

Симуляцион таълимнинг ўзига хос хусусиятлари

Ш.Б.Жонибеков

Осиё Халқаро Университети магистранти

Халқаро меҳнат бозорининг талаблари, рақамлаштириш, ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар даврида замон талабларига жавоб бера оладиган малака ва кўникмаларга эга рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мамлакатимиз олий таълим тизимининг устивор вазифаси сифатида белгиланган. Янги Ўзбекистонда олий таълим тизими янги сифат ва форматда инсон ресурсларини ривожлантириш, ёшларда ички ва ташқи меҳнат бозори талаб қилаётган амалий квалификацияларни шакллантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 31-декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида олий таълимда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-**Биринчидан**, ҳудудлар ва соҳалар кесимида иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўша оладиган мутахассис кадрларини тайёрлаш;

-**Иккинчидан**, ёшларни ўзлари эгаллаган касбий малакалари орқали ўзининг турмуш фаровонлигини таъминлашга ўргатиш;

-**Учинчидан**, меҳнат фаолиятига инновацион ва креатив ёндашиш, яратувчанлик, интеллектуал, маданий, маънавий потенциални ривожлантириш;

-**Тўртинчидан**, замонавий меҳнат бозорида кадрлар малакасига бўлган талабларнинг муттасил ва тез ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда улар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатиш.

-**Бешинчидан**, олий таълимни тўлиқ рақамлаштириш, дарс ишланмалари, онлайн тақдимотлар, анимацион дарслар, видеоинструкторлар каби рақамли контентлар яратиш;

-**Олтинчидан**, контентларни жойлаштириш ва талабаларга қулай бўлган электрон платформалар яратиш;

-**Еттинчидан**, профессор - ўқитувчиларда рақамли контентлар билан ишлаш, ўқув дастурларига мослаштириш, талабаларга етказиш, улар билан тескари алоқа ўрнатиш кабилар. Шу нуқтаи назардан, Замонавий талаблар бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган таълим жараёнларини ташкил этиш, талабалар ўртасида назарий билимларнинг шаклланганлик даражасини ва уларни ўз меҳнат фаолиятларида қўллаш олиш имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнида талабаларнинг амалий машғулотларига кўпроқ йўналтиришни талаб қилади. Таълим жараёнига сифат жиҳатидан янги таълим технологияларини жорий этишда симуляцион технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Компетенцияга асосланган таълим парадигмасининг пайдо бўлишига олиб келган замонавий таълимни ислоҳ қилишда ўқув жараёнига симуляцион технологияларни фаол жорий этиш билан боғлиқ жараёнларнинг ривожланишига олиб келди. Симуляцион таълимнинг самарадорлиги талабаларнинг назарий ва амалий ишларини малакали тарзда бирлаштириш орқали таълим мазмунининг ўзлаштириш даражасини кафолатлайди. Олий таълимда компетентли мутахассислар тайёрлашда талабалар фаолиятининг амалий таркибий қисмини сифатли амалга оширишга қаратилган симуляцион таълимдир. Амалиётга йўналтирилган симуляцион таълим бу талабаларнинг касбий фаолиятида мураккаб меҳнат функцияларини бажаришда қуйидаги имкониятларни яратади:

Биринчидан, мустақил манипуляциялар пайтида стрессни камайтиради;
Иккинчидан, хавф-хатарсиз тажриба орттириш;
Учинчидан, меҳнат функциялари вақтида синовларнинг чексиз кўп такрорланиши;
Тўртинчидан, хавфсиз, бошқариладиган вазиятларни такрорлашга, талабаларнинг мотивация даражасини оширишга, талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга, мустақил касбий фаолиятни амалга оширишга имконият яратади.

Юқоридаларга таянган ҳолда симуляцион ўқитиш усуллариининг қўлланилиши қимматга тушадиган хатоларни кескин камайтириш, амалий кўникмаларни шакллантиришни жадаллаштиради ҳамда талабаларда тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётда кичик бизнес улушини оширишга, ёш мутахассисларда тадбиркорлик қобилиятини эрта аниқлаш ва уни ривожлантиришнинг самарали механизмларини жорий этишга туртки беради. Тадбиркорлик компетенцияларни шакллантириш, тизимли ривожлантириш олий таълим муассасаларига муайян вазифалар қўяди. Талабалар бизнес моделлари билан танишишлари, унда ўзларини синаб кўришлари, хатолар устида ишлаш имкониятига эга бўлишлари учун педагогик ва моддий-техник шароитлар яратиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.М.Д.Горшков, А.Л.Кольш. История симуляционного обучения в России и зарубежом.
- 2.Cyberleninka.ru/article/n/istoriya-simulyatsionnogo-obucheniya-v-rossii-i-zarubezhom/viewer
- 3.R.Samaha. Simulation-based healthcare education. Does it yield some results. Concordia University 2012.
- 4.Коммуникативная компетентность врача. Симуляционное обучение. Методика «Стандартизованный пациент» /М.П.Гринберг, А.Н.Архипов, Т.А.Кузнецова.-М.: «Литерра», 2015.-176 с.